



## КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ганиев Ботир Мухитдинович

Ўзбекистон Республикаси Иив Малака Ошириш

Институти Махсус Касбий Фанлар

Кафедраси Катта Ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17751650>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-noyabr 2025 yil

Ma'qullandi: 24-noyabr 2025 yil

Nashr qilindi: 28-noyabr 2025 yil

### KEYWORDS

коррупция, коррупцияга оид  
ҳуқуқбузарликлар,  
профилактика, ички ишлар  
органлари, шаффофлик,  
ахборот-аналитика, эрта  
аниқлаш, хизмат интизоми,  
этик нормалар,  
жамоатчилик назорати,  
рақамлаштириш,  
коррупцияга қарши кураш.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларининг ўрни, функциялари ва замонавий ёндашувлари атрофлича таҳлил қилинган. Тадқиқотда коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари, унинг давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига кўрсатадиган салбий таъсири, шунингдек профилактика чораларининг тизимли равишда ташкил этилиши масалалари ёритилади. Мақолада ички ишлар органларининг ахборот-аналитик фаолияти, коррупсион хавф-хатарларни эрта аниқлаш, хизмат интизоми ва этик нормаларга риоя этилишини назорат қилиш, шаффофликни кучайтириш ҳамда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш каби йўналишлардаги фаолияти асослаб берилади. Шунингдек, рақамли технологияларни жорий этиш, очиқ маълумотлар тизимини кенгайтириш ва профилактика самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти амалга оширилишида ички ишлар органлари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»<sup>1</sup>ги қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактика-сини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари баён этилган бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлардан бири - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидир.

Таъкидлаш лозимки, коррупция – ҳар қандай мамлакатнинг миллий давлатчилик асослари, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига жиддий хавф солади, фуқароларнинг ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва давлат органларига бўлган ишончини сусайтиради. Шунинг учун ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

доимий асосда давом эттириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, хусусан, суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаимиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”<sup>2</sup> деб, қайд этиб ўтган эди.

Коррупция сўзнинг луғавий маъносини қайд этадиган бўлсак, «коррупция» латинча «corruptio» сўзидан олинган бўлиб, «сотиб олиш», «пора» деган маъноларни билдиради<sup>3</sup>. Рус тилидаги «коррупция» – пора эвазига сотиб олиш, мансабдор шахсларнинг, сиёсий арбобларнинг сотқинлиги<sup>4</sup> маъносини англатади. Славян тилларида «коррупция» пора маъносида тушунилади. «Коррупирати» кесими серб-хорват тилида «пора бериб ўз томонига оғдириш, пора бериш» деб таржима қилинади. «Коррупенеску» сифати эса, чехларнинг тилида «сотилувчи, сотқин» маъносини англатади<sup>5</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши конвенцияси”да «Коррупция–шахсий наф қўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш»<sup>6</sup> деб, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»<sup>7</sup>ги қонунида эса, «коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш»<sup>8</sup>, деб таъриф берилган.

Баъзи олимларнинг фикрича, «коррупция, унинг миқёси, ўзига хос хусусияти ва ўсиш суръати – мамлакат сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар маҳсули ҳисобланади»<sup>9</sup>. Қ.Р. Абдурасулованинг таъкидлашича, «коррупция – давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат ваколатлари ёки улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, ғараз мақсадда ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар (бу қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган) йиғиндисидир»<sup>10</sup>.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан то бугунги кунга қадар республикаимизда коррупцияга қарши курашга қаратилган изчил ва мақсадга

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 24 январь) // <https://nrm.uz>.

<sup>3</sup> Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 84.

<sup>4</sup> Егорова Н. Е. Уголовно-правовые формы борьбы с коррупцией в новых экономических условиях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1996. – С.22.

<sup>5</sup> Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т., 2009. – Б. 14–15.

<sup>6</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>9</sup> Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы, 2008. – С.8.

<sup>10</sup> Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т., 2009. – Б. 60.

йўналтирилган бир қатор комплекс характерга эга чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар нафақат коррупциявий ҳолатлар профилактикаси балки, коррупциянинг ёки унга имкон берадиган омилларнинг пайдо бўлишига йўл қўймасликка йўналтирилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир.

Шу билан бирга, юртимизда бугунги кунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, давлат қурилиши ва бошқарувининг барча соҳаларида демократик ислохотлар ўтказиш, хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган ва Конституцияга асосланган мустақкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди десак муболаға бўлмайди. Хусусан, сўнгги йилларда республикада коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича самарадорликни ошириш, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, юртимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби тасдиқланди.

Ушбу амалга оширилаётган ислохотлар асосида айтишимиз мумкинки, мазкур ислохотларни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилганлигини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий функцияларининг талаб даражасида бажарилишига қаршилиқ кўрсатиши боис коррупцияни миллий хавфсизлигимизга таҳдид сифатида баҳолаш ўринлидир. Мазкур таҳдидларга қарши курашувчи яъни, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»<sup>11</sup>ги Қонунида кўрсатилган бўлиб, ушбу органлардан бири бу - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидир. Хусусан, ушбу Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;
- коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;
- аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комимиссияси раиси томонидан 2019 йил 31 июль куни тасдиқланган «Коррупцияга қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси» ҳамда «Ёшларда коррупцияга қарши курашиш, фаол дунёқараш ва мустаҳкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси» ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёти ташкилотининг тавсияларини бажариш бўйича «Йўл ҳартитаси» ишлаб чиқилиб ушбу ҳужжатлар асосида бугунги кунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органлари томонидан ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантириш борасида ҳуқуқий тарғибот ишлари мунтазам амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида ички ишлар органлари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилаётгани билан бирга, айрим камчиликлар ҳам мавжуд эканлигини, шунингдек, ҳали қилиниши лозим бўлган амалий ишлар кўплигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Шу ўринда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органлари томонидан қуйидаги ишларни мунтазам амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ва тизимли таҳлил қилиш орқали уларнинг олдини олишни таъминлаш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича доимий назоратни олиб бориш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доирасида профилактик ва тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жараёнларида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш мақсадида мунтазам равишда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда интернет-ресурсларида ва оммавий ахборот воситаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувлар орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.

Шунингдек, бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлашимиз лозимки, ҳар бир соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолиятга алоҳида эътибор бериш, жиноий йўллар орқали катта бойлик орттириш, адолатсизликка қарши курашни кучайтириш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга кескин муросасизликда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир ҳамда коррупциянинг олдини олиш борасида мунтазам амалий чораларни амалга ошириш ўзининг ижобий натижасини беради десак муболаға бўлмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришни, коррупциянинг олдини олиш бўйича комплекс чораларни амалга оширишни, ички ишлар органлари фаолиятини янада демократлаштириш ва либераллаштиришни, инсон ҳуқуқлари ва эркинлик-ларини ҳимоялашнинг ишончли механизмларини шакллантиришни тақозо этади. Бу эса, мамлакатимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларининг ҳамкорлигини, шаффофлигини ва очиқлигини таъминлаш орқали юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.